*ПАХТАКОР ВА КОНСТРУКТОРЛАР ҲАМКОРЛИГИ*

# ИЗЛАНИШ ДАВОМ ЭТАДИ

Яқинда Ўзбекистон ССР Давлат план комитетининг илмий-техника ахбороти ва техник-иқтисодий тадқиқотлар илмий текшириш институти қишлоқ хўжалигини механизациялаш сериясида бир илғор ишлаб чиқариш тажрибаси ҳақида варақа чиқарди. Унда айтилишича, мавжуд ХНП—1,8 пахта териш машинаси конструкциясини такомиллаштириш натижасида янги ХНП—1,8 А маркали агрегат яратилган бўлиб, у мукаммалашган терим аппаратлари, пневмоподборшчик, бункер, кабина ҳамда «Кедр—1А» деб номланган электрон назорат системаси билан жиҳозланган. Энг асосийси, пневмоподборшчик ёрдамида бир йўла тўкилган пахта ҳам териб кетилади. Подбор (тўкилган пахта) кичик ҳажмли мосламада агрегат ишлаши жараёнида тозаланиб, сўнг бункерга ўтади. Унга эса сиғимни оширувчи зичлагич ўрнатилган. Ён томонда хасчўп ва бошқа ифлосликларни чиқариб ташлайдиган қурилма бор. Айниқса, зичлагич ва янги конструкциядаги пневмободборшчикни қўллаш пахта териш машинаси технология жараёнининг мустаҳкамлигини оширибгина қолмасдан иш унумини биринчи теримда 12,5 процент, иккинчи теримда 9,4 процент ўстириш имконини беради. Йиллик иқтисодий самараси 286 сўм 84 тийин. Машина Ўрта Осиё қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий-текшириш институти (САИМЭ)нинг тажриба хўжаликларида синовдан ўтказилиб, эндиликда серияли ишлаб чиқаришга тавсия этилди. Уни қатор оралари 90 сантиметр бўлган пахта майдонларида қўллаш мумкин.

Биз бу техникавий янгиликнинг яратилиш ва синовдан ўтиш босқичи билан қизиқдик. Айниқса, пневмоподборшчикнинг бевосита пахта териш машинасига ўрнатилиши диққатга сазовор. Негаки, шу пайтгача тўкилган пахтани териб олиш масаласи пахтакорларни қаноатлантирадиган даражада ҳал этилмай келинаётганди.

Агар қишлоқ хўжалик машинасозлиги тарихига назар ташланса, яратилган барча пахта териш машиналарида битта камчилик яққол кўзга ташланади. Яъни, пахтазор машина теримига қанчалик мослаб тайёрланмасин, барибир икки теримда ҳосилнинг камида 15—16 проценти ерга тўкилади. Айтайлик, тўрт қаторли ХН—3,6 ёки 14ХВ—2,4 дами икки қаторли, пахтачиликда анча оммавийлашиб кетган 17ХВ—1,8 дами — ҳаммасида ана шу нуқсон бор.

Албатта, бу 15 процент (агрегат бенуқсон ишлаган, карта яхшилаб тайёрланган, дефолиация маромида ўтказилган тақдирда, акс ҳолда процент бундан юқори бўлиши мумкин) йўқотиш ҳамиша олимларни, конструкторларни, пахтакорларни, айниқса, ҳосилнинг нобуд бўлишида техникадан кўра ўзларини айбдорроқ ҳис этган механизаторларни ташвишлантириб келмоқда. Жумладан, олимлар олдида иккита вазифа турарди: ё аппаратнинг конструкциясини тубдан янгилаш керак, ё тўкилган пахтани териб оладиган мослама яратиш зарур.

Етмишинчи йилларнинг ўрталарида САИМЭнинг бир группа олимлари — техника фанлари кандидатлари Анвар Дадабоев, Саъдулла Ўсаров, Эркин Акбаров (ҳозир Тошкент политехника институтида кафедра мудири) ўртоқлар бу вазифалар устида илмий изланишлар олиб боришди. Ўша пайтда институт бўйича бу ишга техника фанлари доктори Давид Шполянский раҳбарлик қилди.

Асосий диққат-эътибор тўкилган пахтани териб оладиган мослама яратишга қаратилди. Олимларнинг изчил ижодий изланишлари туфайли 1976 йилдаёқ ана шундай мослама— пневмоподборшчикнинг дастлабки тажриба нусхаси тайёр бўлди. У САИМЭнинг тажриба участкасида синаб кўрилди. Шундан кейин институтнинг тажриба заводи ҳамда Гулистон тажриба ремонт-механика заводида 75 та шундай пневмоподборшчик тайёрланди. Бу мосламалар пахта териш машиналарига ўрнатилиб, йиғим-терим пайтида Сирдарё область Оқолтин районидаги Ворошилов номли совхоз даласида текширувдан ўтказилди. Синов олимлар аниқ ҳисоб-китоб қилишлари учун бир қатор имкониятлар яратди. Агар ерга тўкилган 15 процент пахта йўқотиш нуқтаи назаридан 100 процентга тенглаштирилса, янги мослама-пневмоподборшчикда шунинг 65 процентини териб олиш мумкинлиги исботланди. САМИС (Ўрта Осиё машина синаш станцияси), оқ йўл берганидан кейин мослама «Ташсельмаш» заводида кўплаб ишлаб чиқарила бошланди. Албатта, якка ҳолда эмас. Пневмоподборшчик 17ХВ пахта териш машинасига ўрнатилди ва терим агрегати ХНП—1,8 деган янги ном олди. Бу эгатлар ораси 90 сантиметр бўлган далаларда ишлатиладиган икки қаторли пахта териш машинаси бўлиб, уни айниқса 1978—1980 йиллардан бошлаб кўп миқдорда ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Пахта терими мавсумида асосан ХНП—1,8 ҳукмронлик қила бошлади.

Бироқ республикамизнинг колхоз ва совхозларида янги машинани қўллаш оммавий тус олган сари унинг камчиликлари аниқлана борди. Нуқсонлар асосан пневмоподборшчик иши билан боғлиқ эди. Хўш, механизаторлар нималарга эътироз билдиришарди?! Биринчидан, пневмоподборшчик тез-тез тиқилиб қолиши ишнинг белига тепади. Иш жараёнида ҳадеб машинани тўхтатавериб, бунинг устига ҳар сафар пастга тушиб, мосламанинг «оғиз бўшлиғи»ни кўсак, кесак, ҳар хил хасчўплардан тозалайвериш механизаторнинг жонига тегди. Иккинчидан, агрегат ишлаб турганда, подборни териб олиб, тозалаш жараёнида ҳосил бўладиган ифлосликлар (хасчўплар) бевосита двигатель устига тушиб, уни ҳам тез-тез тозалаб туриш заруратини туғдирди. Акс ҳолда двигатель ишдан чиқиши мумкин. Учинчидан, механик-ҳайдовчининг иш шароити ёмонлашди, яъни у чанг-тўзон ичида ишлайдиган бўлди. Терим агрегатига ўрнатилган пневмоподборшчикнинг тўкилган пахтани териб олишдаги афзаллиги бошқа томондан зарар келтирди: механик-ҳайдовчи иш вақтининг бир қисми пневмоподборшчик билан двигателни хас-чўпдан тозалашга кетди. Оқибатда механизаторнинг иш унуми кескин пасайиб кетди. Бунинг устига ортиқча оворагарчилигу чанг ютишни айтмайсизми?! Механик-ҳайдовчилар ҳатто яп-янги ХНП—1,8 пахта териш машинасининг ҳам пневмоподборшчигини ажратиб ташлайдиган бўлишди.

Дастлабки синовлар пайтида унчалик кўзга ташланмаган бу камчиликлар кейинчалик олимларни яна ташвишга солиб қўйди. Энди нима қилиш керак? Механизаторлар олдида йўқотилган ишончни қандай қилиб тиклаш зарур? Ўзингиз ўйлаб кўринг, бир йилда тахминан уч мингта пневмоподборшчик ишлаб чиқарилади. Ҳар йили шунинг қанчаси кераксиз буюмдек ажратиб олинаяпти экан? Шу нарса аниқки, қайси колхоз ёки совхозда бўлманг, пневмоподборшчиги ҳамда бункердаги зичлагичи олиб ташланган пахта териш машинасини кўрасиз. Буни олимлар ҳам яхши билишади.

— Биз мавжуд пахта териш машинаси қисмларини такомиллаштириш, хусусан, юқоридаги камчиликлардан холи пневмоподборшчик яратиш устида саксонинчи йиллар бошиданоқ иш олиб бордик, — дейди Меҳнат Қизил Байроқ орденли Ўрта Осиё қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш илмий-текшириш институти (САИМЭ)нинг тўкилган пахтани териб олишни механизациялаш лабораторияси раҳбари, техника фанлари кандидати Умар Болтабоев. — Ижодий изланишларимиз зое кетмади. Янги пневмоподборшчик яратдик. САМИС синовидан кейин унинг параметрлари пахтачилик бўйича давлат махсус конструкторлик бюроси (ГСКБ)га берилди. Бу ерда ана шу ҳужжатлар асосида янги пневмоподборшчик конструкцияси ишлаб чиқилди. Пахта териш машинасига ўрнатилди. Бундан ташқари машина юқорида айтиб ўтилган нуқсон ва камчиликларни бартараф этиш имконини берадиган қисмлар билан жиҳозланди. Булар — кабина, қайсики, механик-ҳайдовчини чанг-тўзондан ҳимоя қилади, хас-чўпни двигателнинг устига эмас, балки ён томонга отувчи қувур, бункернинг сиғимини оширувчи (600 килограммдан 800—900 килограммгача) зичлагич. Пневмоподборшчикка ҳам жиддий ўзгаришлар киритилди. Айниқса, иккита энг муҳими эътиборга молик. Биринчиси шуки, тўкилган пахтани сўриб оладиган қувурнинг оғзи винтга ўхшаб бураб қўйилди: ярми ерга, ярми ғўза тупига қарайди. Бу ерга тўкиладиган ҳосил миқдорини 15—20 процент камайтириш имконини беради. Пневмоподборшчикка яна вакуумклапан ўрнатилди. Мазкур механизм кесак, кўсак ва бошқа оғир нарсаларни пахтадан ажратиб, ерга ташлаб кетади. Натижада тиқилиб қолишнинг олди олинди. Бункернинг тўлишини «Кедр-1А» сигнал системасининг датчиги назорат қилади.

Шундай қилиб, юқорида биз айтиб ўтган ХНП—1,8 А маркали такомиллашган машина юзага келди. Давлат план комитетининг илмий-техника ахборот ва техник-иқтисодий тадқиқотлар илмий-текшириш институти чиқарган варақада муаллифлар — техника фанлари кандидатлари Умар Болтабоев, Саъдулла Ўсаров, Анвар Дадабоев ўртоқлар модернизация қилинган пахта териш машинасининг техник характеристикасини беришган ҳамда агротехник имкониятларини асослаб кўрсатишган. Мана, айрим техник кўрсаткичлар: машинанинг ишчи тезлиги—биринчи теримда 3,78 километр-соат, иккинчи теримда 5,0 километр-соат, иш унуми (фойдаланиш вақти) — биринчи теримда 0,36 гектар-соат, иккинчи теримда 0,58 гектар-соат; технологик жараён мустаҳкамлиги коэффициенти — 0,92. Агротехник кўрсаткичлар қуйидагича: иккита теримда ҳосилнинг тўлалигича териб олиниши 91,9 процент, асосий бункернинг улуши 87,5 процент, пневмоподборшчик бункернинг улуши 4,4 процент, ғўза тупида қоладиган ҳосил 2,9 процент, ердаги йўқотиш 5,2 процент. Биз бу кўрсаткичларни пахтакорлар эътиборига ҳавола этиш мақсадида келтирдик.

— Албатта, пировард натижа пневмоподборшчикли пахта териш машинаси қай даражада тайёрланганлигига, далада қандай тартибда фойдаланганлигига боғлиқ, — дейди Умар Болтабоев. — Масалан, биз уни 1987 йилда 14 гектар тажриба участкасида ҳозир эътибордан қолган эски механик подборшчик (ПХП—1,8) ҳамда кўрак териш машинаси (СКО-3,6) билан бирга комплекс равишда қўллаганимизда ҳосилнинг 96 процентини олишга эришдик. Қолган ҳосилни териш шарт эмас. Чунки, паст навли пахта таннархни қимматлаштириб юборади. Бу иқтисодий жиҳатдан зарар. Демак, далага одам туширмасдан, битта комплекслашган терим отряди ёрдамида ҳосилни тўлиқ йиғиштириб олиш мумкин. Айниқса, ишчи кучи етишмаётган жойларда бу жуда муҳим. Аммо бевосита колхоз ва совхозларда буни қандай қилиб исботлаш керак? Янги пневмоподборшчик ўрнатилган машинани синовдан ўтказиш даврида биз бундай имкониятга эга бўлмадик?

Ҳақиқатдан ҳам 1985—1987 йилларда модернизация қилинган машинадан бир нечта тайёрланган бўлса-ю, бирортаси қишлоқдаги оддий, аммо синчков ва талабчан механик-ҳайдовчи измида жиддийроқ синовдан ўтмаган бўлса? САМИЭ ва САМИСдаги синовлар ўз йўлига, пахтакорнинг баҳоси керак. Айниқса, пневмоподборшчикка. Чунки, гап ўша ҳақда бораяпти. Ўзгаришлар ҳам асосан унга тегишли.

Шунингдек, муаллифларни бошқа нарса ҳам ташвишлантирарди. Пневмоподборшчик ўрнатилган ва янгиланган ХНП—1,8 А пахта териш машинаси 1988 йилдан серияли равишда ишлаб чиқарила бошланди. Республикамиздаги барча колхоз ва совхозлар бундан хабардормикан? Агар сотиб олишаётган бўлса, бундан буён йиғим-терим пайтида механик-ҳайдовчилар одатланиб қолишганидек пневмоподборшчикни ажратиб ташлашмасмикан? Умуман, хўжаликларда ХНП—1,8 Ани механик-подборшчик ва кўрак териш машинаси билан комплекс равишда қўллашни билишармикан? Жойларда хўжаликларнинг раҳбарлари, бош инженерлари ва бош механиклари, қишлоқ хўжалик техникаси мутахассислари бевосита механизаторлар иштирокида семинар ёки ўқувлар ташкил қилинса айни муддао бўларди. Эҳтимол областларда шундай семинарлар бўлиб ўтгандир. Бироқ юқоридаги янгиликка алоқадор олимлар бехабар эдилар. Улар қишлоқ хўжалигини механизациялашдаги илғор тажрибани, янгиликни тарғиб қилиш ҳамда дастлабки синовларни ишлаб чиқаришдаги аниқ пировард натижа билан мустаҳкамлаш мақсадида қулай имконият кутишарди.

Ниҳоят, 1988 йил февраль ойида САИМЭнинг ёш иқтидорли олимларидан бири, лаборатория раҳбари Умар Болтабоевни Жиззах шаҳрига, область миқёсидаги семинарга таклиф қилиб қолишди. Унга сўз беришди. Умаржон дилидаги гапларни айтиб, ХНП—1,8 А пахта териш машинасини бошқа механизмлар билан бирга қўллаш юзасидан тавсия бераётганида Мирзачўл районидаги Султон Сегизбоев номли совхоз директори Бегим Сериков луқма ташлади:

— Ҳамма олимлар шунақа, айтишади кетишади. Бизга қуруқ гап эмас, амалий ёрдам керак.

— Жуда соз, — жавоб қилди Болтабоев. — Масалан, биз совхозингиз билан ҳамкорлик қилишга, агар хўп десангиз ҳозир мен айтган тажрибани биргаликда синаб кўришга розимиз.

— Нега йўқ дер эканмиз, қайтага бизга ёрдам бўлади, марҳамат, келинглар совхозимизга, — деди сидқидилдан Сериков.

САИМЭ олимлари совхозга эрта баҳордаёқ ташриф буюришди. Ҳамма нарсани ойдинлаштириб олиш зарур эди. Тажриба ўтказиш учун Қўчқор Муллабоев (пахта майдони 438 гектар) ва Салоҳиддин Ҳамидов (пахта майдони 431 гектар) бошлиқ бригадалар ажратилди. Чигит экишдан тортиб, ғўза парвариши-ю дефолиациягача — ҳамма агротехник тадбирлар ҳосилни тўлиқ механизмлар билан йиғиб-териб олишга мослаб ўтказилиши зарур. Шунинг учун олимлар пахта теримигача совхозда бир неча марта семинар ўтказишди. Ёзда иккита бригадани зарур механизмлар билан тўлиқ комплектлаш масаласи ҳал қилинди. Қандай қилиб дерсиз? Совхоз 10 та янги ХНП—1,8А сотиб олди. Кўрак териш машинаси хўжаликда бор эди. Бироқ механик подборшчик (ПХП—1,8) ни топиш қийин бўлди. Совхозда йўқ, областдаги бошқа хўжаликлар сотишни исташмади. Излашни олимлар давом эттиришди. Ниҳоят, Бухоро область районлараро савдо базасидан ўнта механик подборшчик топилди. Совхоз уларни агросаноат комитети орқали сотиб олди. Терим арафасида ҳар бир бригадага бештадан пахта териш, кўрак узиш машиналари, механик подборшчик ажратилди. Бу механизмларга бириктилган механизаторлар билан амалий машғулотлар ўтказилди. Пахта йиғим-терими мавсуми олимлар учун ҳам, юқоридаги иккита бригада механизаторлари учун ҳам синовнинг энг масъулиятли даври бўлди.

Биз ғалвир сувдан кўтарилганидан кейин натижаларни, ўз ерларини тажриба учун ажратиб берган бригадирлар ҳамда синовда қатнашган механизаторлар фикрини билиш учун Султон Сегизбоев номли совхозда бўлдик.

— Олимларга раҳмат, уларнинг тавсияси билан етиштирилган ҳосилни тўлиқ техника ёрдамида териб олдик ва мажбуриятимизни ҳам ошириб бажардик, — дейди мамнуният билан бригада бошлиғи Салоҳиддин Ҳамидов.

— Пахта териш машинасига ўрнатилган янги пневмоподборшчик қандай ишлади?

— Яхши, териб олинган лахтанинг 40 тоннаси пневмоподборшчиклар улушига тўғри келди.

— Унда подбор теришга одамлар жалб қилинмагандир? — сўраймиз бригадирдан.

— Бунга ҳожат ҳам қолмади, — дейди Салоҳиддин ака. — Иккита теримда механизмлар комплексини қўллаганимиздан кейин далада 2—3 процент ҳосил қолди. Уни қўлда териб олиш иқтисодий жиҳатдан зарар.

Пневмоподборшчикнинг янги нусхаси ўрнатилган пахта териш машинаси ҳақида айрим механизаторлар билан суҳбатлашдик.

— Тўғриси, пневмоподборшчикка ҳеч қандай эътирозим йўқ, яхши ўйлаб топилган, — дейди механизатор Эсон Султонов. — Бироқ пахта териш машинасининг ўзига киритилган ўзгаришлар менга маъқул бўлмади. Кабина ўрнатилганлиги яхши, у механизаторни чангдан ҳимоя қилади. Лекин орқага қараб шпинделлар ҳам, пневмоподборшчик ҳам қандай ишлаётганлигини билиб бўлмайди, ҳеч нарса кўринмайди. Кейин биз бункердаги зичлагични олиб ташладик. Сабаби пахтани тўкишда тўсқинлик қиларкан. Уни бошқачароқ жойлаштириш керак.

Механизатор Абдуназар Маражабов суҳбатга қўшилди:

— Янги машинада вибрация яъни титраш кучайиб кетибди. Кун бўйи дириллаб ўтирасан. Нега шундай? Ахир эски пахта териш машиналари бундай эмасди-ку?!

— Йигитлар, гап асосан пневмоподборшчик ҳақида кетаяпти,—эътироз билдиради Салоҳиддин Ҳамидов. — Мана, мен ўзим кўп йил механизатор бўлганман. Илгари бунақа подборшчик бўлмаган. Бу йил қўлда подбор термай, роҳат қилдикку ахир!..

— Пневмоподборшчик пахта териш машинаси билан бирга ишлатилганидан кейин юқорида биз айтган камчиликлар ҳам эътиборга олиниши керак-да, — дейишди механизаторлар.

— Шубҳасиз, — жавоб қилди суҳбатда қатнашаётган Умар Болтабоев, пахта териш машинаси ҳам, пневмоподборшчик ҳам такомиллаштириб борилаверади. Ҳозирги натижа — чегара эмас. Биз олимлар бундан буён сизларга ўхшаган механизаторларга таяниб иш кўрамиз. Шунинг учун Султон Сегизбоев номли совхозда қўлланган тажриба келгуси йилларда бошқа хўжаликларда ҳам оммалашса, янги-янги таклифлар, тавсиялар, эътирозлар, фикр-мулоҳазалар туғилади, бу эса бизнинг илмий ишимизда жуда қўл келади.

Демак, бу борадаги изланиш кенг кўламда давом этади.

**Иброҳим НОРМАТОВ.**



«Джизакстепстрой»нинг «Промгражданстрой» трестига қарашли механизациялашган 96-кўчма колоннада пешқадам коллективлар ҳақида гап борганида Одил Раҳматов етакчилигидаги звено биринчилар қаторида тилга олинади. Пудрат усулида меҳнат қилаётган бу коллектив йил бошидан бери планга қўшимча 25 минг сўмлик иш бажаришга муваффақ бўлди. Ўзаро меҳнат беллашувида Р. Исломов, Р. Эргашев сингари бунёдкорлар олдинги сафда боришаяпти.

СУРАТДА: пудратчи коллектив раҳбари Одил Раҳматов ва моҳир пайвандчи Рустам Эргашев.

Б. ТОҒАЕВ ва Ш. ТЎРАЕВ фотоси.

# ИЛМИЙ КЕНГАШ

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтиришга ва бунда экологик вазиятнинг барқарорлиги ва қулайлигини таъминлашга, фан-техника тараққиётининг табиий муҳитга эҳтимол тутилган салбий таъсирини йўқотишга қандай эришиш мумкин? 13 декабрь куни Ўзбекистон ССР Фанлар академиясида очилган республика илмий-ишлаб чиқариш кенгашида ана шу мураккаб муаммолар муҳокама қилинмоқда. Кенгаш «Сув-ер ресурсларининг аҳволи ва Ўзбекистондаги экологик вазият муносабати билан улардан оқилона фойдаланиш тўғрисида» деган мавзуга бағишланган.

Кенгашда олимлар — республика фанлар академияси, ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлими ҳамда ЮНЕСКО нинг «Инсон ва биосфера» программаси бўйича Ўзбекистон миллий комитетининг вакиллари, республика Госплани ва Табиатни муҳофаза қилиш давлат комитети, Ўзбекистон ССР Агросаноат давлат комитети ҳамда Мелиорация ва сув хўжалиги давлат комитетининг мутахассислари, партия ва совет органларининг масъул ходимлари қатнашмоқдалар.

Кенгашни Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг раиси Ғ. Ҳ. Қодиров кириш сўзи билан очди. У Республика агросаноат комплексида экология билан боғлиқ кўпгина ҳал этилмаган муаммолар тўпланиб қолганлигини таъкидлаб, кенгаш қатнашчиларини ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва халқ фаровонлигини ошириш манфаатлари йўлида мазкур муаммоларни бартараф этишга фаол қўшилишга чақирди.

Кенгаш ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Д. Д. Берков қатнашди.

(ЎзТАГ).

### ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ 30-40-ЙИЛЛАРДА ВА 50-ЙИЛЛАРНИНГ БОШЛАРИДА АСОССИЗ РАВИШДА РЕПРЕССИЯ ҚИЛИНГАН ШАХСЛАРНИ ОҚЛАШ БИЛАН БОҒЛИҚ ИШЛАРГА РАҲБАРЛИК ҚИЛИШ КОМИССИЯСИДА

13 декабрь куни Тошкентда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг 30-40-йилларда ва 50-йилларнинг бошида асоссиз равишда репрессия қилинган кишиларни оқлаш билан боғлиқ ишларга раҳбарлик қилувчи комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлди.

Мазкур масала юзасидан Ўзбекистон ССР прокурори Д. А. Усатов, Ўзбекистон ССР Олий судининг раиси С. И. Йигиталиев, маъмурий-ҳуқуқий органлар бошқа бир қанча ходимларининг ахборотлари тингланди ва муҳокама қилинди. Республикада ғайриқонуний йўл билан репрессия қилинган одамларга қўйилган айбномалар пухта ўрганилиб, уларни суд йўли билан оқлаш юзасидан конкрет чоралар кўрилаётганлиги таъкидланди.

Шу билан бирга ўтмишдаги фожиали воқеаларга тааллуқли фактлар ва ҳужжатларни тадқиқ этишни кучайтириш, бу ишга энг тажрибали ва малакали жамиятшунос олимларни, уруш ва меҳнат ветеранларини жалб этиш зарурлиги уқтириб ўтилди. Республика суд органларининг асоссиз ҳукм этилган совет гражданларини оқлаш тўғрисидаги қарорларини оммавий-ахборот ва пропаганда воситаларида мунтазам ёритиб бориш топширилди. Комиссиянинг мажлисида партия ва давлат органларининг тарихий ҳақиқат ва адолатни тиклашни охирига етказишга тааллуқли фаолиятини мувофиқлаштириш билан боғлиқ бир қанча бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

(ЎзТАГ).

## *Ўзбекистон ССР Статистика давлат комитети хабар қилади*

### КОЛХОЗЛАР ВА СОВХОЗЛАРНИНГ 1988 ЙИЛ ЯНВАРЬ-НОЯБРЬ ОЙЛАРИДА ЧОРВАЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ЕТИШТИРИШ ЮЗАСИДАН ИШЛАРИНИНГ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Статистика давлат комитети умуман республикада шу йилнинг ўн бир ойида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан гўшт етиштириш 8 процент, сут етиштириш 5 процент ва тухум етиштириш 11 процент кўпайганлигини маълум қилди.

Асосий чорвачилик маҳсулотлари етиштириш бирмунча кўпайганлигига қарамай, умуман республикада Андижон, Бухоро, Қашқадарё, Самарқанд ва Сирдарё областларининг хўжаликларида гўшт етиштириш, Қорақалпоғистон АССР хўжаликларида сут етиштириш йиллик планлари бажарилиши барбод бўлиш хавфи бор. Ана шу областларнинг хўжаликлари планни бажариш учун 27,6 минг тонна гўшт, (улар йиллик планнинг 15,7 проценти миқдорида) ва 6,5 минг тонна сут (улар йиллик планининг 14 проценти миқдорида) етиштиришлари зарур.

Шу йилнинг 1 декабрига қадар қорамоллар сони 1676,5 минг бошга, шу жумладан сигирлар 436,4 минг бошга (қорамолларнинг умумий подасида сигирлар 26 процентни ташкил этади), чўчқалар 607,8 минг бошга ва қўй-эчкилар 5580,2 минг бошга етди. Республикада қорамоллар, шу жумладан сигирлар сони ўтган йилдагига нисбатан камайди.

Фақат озуқа базасини мустаҳкамлаш асосидагина чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш мумкин. Ҳолбуки, 1 декабрга қадар колхозлар, совхозлар ва хўжаликлараро чорвачилик корхоналарида ҳар бир шартли қорамол ҳисобига 8,6 центнер озуқа бирлиги тўғри келди. Бу эса ўтган йилдагидан камдир.

Умуман республикада чорва моллар кўпроқ сақлаб қолинмоқда. Шунга қарамай 1 декабргача 18 минг бош қорамол, 39,9 мингта чўчқа, 129,3 мингта қўй ва эчки нобуд бўлди.

*«Қишлоқ ҳақиқати» бонг уради*

# ЖИЗЗАХ ТУПРОҒИНИ АСРАБ ҚОЛАЙЛИК

### СИРДАРЁ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Мен жиззахлик бир қаламкаш сифатида она юртимдаги ҳар бир ўзгаришни диққат билан кузатаман, ютуғидан қувонсам, камчилигидан эзиламан, келажаги учун жон куйдиришга ҳаракат қиламан. Редакцияга мактуб йўллаётганимнинг сабаби ҳам шунда!

1976 йил эди — айни кўклам. Жиззахнинг қоқ марказидаги бузилган уйлар орасидан ўтиб борар эканман, қулоғимга ачинарли бир нолиш чалинди:

— Уйинг куйгурларга қаранг, Жиззах халқини ҳеч ким мунча сарсон қилмаганди-ку!

Овоз келган тарафга қараб, эски чопон кийиб, белини арқон билан боғлаган, етмиш ёшлар чамасидаги чолни, бир неча болаларни кўрдим — ҳаммаларининг кийимлари, юзлари чанг: оғир бир руҳий ҳолатда оталарининг нолишига қулоқ солиб, бузилган уй ёғочларини бир жойга уяётган эдилар; чеҳраларидаги синиқликни кўриб юрагинг ачишиб кетади.

Янги тузилган Жиззах областининг маъмурий биноларини минг-минглаб хонадонлар яшаётган энг гавжум жойдан қуриш мўлжалланган эди. Ваҳоланки, аҳоли зич яшайдиган, ширин-шакар мева соладиган ана шу боғлару полизлардан сал нарида — атиги икки-уч километрда тошлоқ ерлар, беш-олти километр берида қўриқ бўш ётар эди.

Қурилишлар шу ерлардан бошланса! Бу — Жиззах халқининг орзуси эди! Аммо республикаю областнинг «ишбилармон», «ташаббускор» раҳбарлари зор қақшаган халқнинг дардига қулоқ солмадилар.

Фақат «Москва» колхози уйлари, боғлари бузилишига йўл қўймади. Бари оғирлик Жданов номли совхоз ҳамда шаҳарнинг Чорраҳа, Тошлоқ, Эски шаҳар қисмида яшайдиган аҳоли зиммасига тушди. Қиёслаб бўлмайдиган даражада буз-бузлар бошланди. Ўша йиллари матбуотда Жиззахни қўриқ шаҳар деб ёзишарди. Минг-минг йиллик тарихга эга бўлган шаҳарни қандай қилиб қўриқ деб аташ мумкин? Аммо, бир йил илгари мевали дарахтларию гуркираб ўсган чинорлари, садалари билан соя-салқин бўлган шаҳарда бари дарахтлар кесилдию тап-тақир қўриқ бўлди-қолди!

Ачинарлиси шулки, ана шу бузилаётган уйлар йигирма йилча муқаддам бош план асосида чиқарилган йўллар бўйида қурилган, боғ-роғлар яратилган эди. Жиззахликлар иккинчи марта уйларини бузаётгандилар! Уй қуриш, бузиш осонми?! Шинамгина кабинетда ўтириб олиб буйруқ бериш осон! Қуришнинг, бузишнинг заҳматини чангга, лойга беланиб битта ғишт кўчирган, битта ғишт қўйган одам билади!

Бироқ, инсоф билан айтганда, бош планни аллақандай роботлар эмас, балки одамлар яратади-ку! Наҳотки бош план ижодкорлари халққа қулай бўлиши, ҳеч кимнинг азият чекмаслиги ҳақида бош қотирмасалар?! Наҳотки инсон бош планнинг манқурт қулига айланиб қолса?! Ахир, социалистик жамиятнинг ҳар қандай бош плани иқтисодий самарага, инсоният бахтига хизмат қилиши керак-ку! Мен бу гапларни шунинг учун куйиниб таъкидлаяпманки, Жиззахда «буз-буз шамоли» ҳамон эсиб турибди. Яқинда Жиззах шаҳар бош архитектори Ҳамза Аҳмаджонов билан гаплашганимда, у: «Бу беш йилликда бузилиши керак бўлган уй-жойларнинг умумий миқдоридан йигирма фоиздан зиёдроғини бузиш мўлжалланаяпти», деди.

Бузилган минглаб уйлару қўпорилган дарахтлар учун хўжаликларга тўланган пуллар, инженер-техник ходимлар ва ишчиларнинг хизматлари, қурилиш ташкилотларининг бузиш учун сарфланган харажатлари, халқнинг беҳуда кетган вақти ҳисобига Жиззахга ўхшаган шаҳардан яна иккитасини барпо қилиш мумкин эди. Миллионлар сарфланиб, миллиардлар ютқазилди. Мева-чеваларининг ширин-шакарлиги билан Бобир каби улуғ зотларни ҳам ҳайрон қолдирган Жиззахнинг минг-минг йиллик тарихида биринчи марта олма-узум гўштдан ҳам қиммат бўлиб кетди!

Мева-чеваларни қанду асалга айлантирган омил — Жиззах тупроғидир! Бу тупроқ (айнан шаҳар атрофидаги тупроқ) дунёдаги энг унумдор тупроқлардан ҳисобланади десам, муболаға қилаяпти, деб ўйламанг. Жиззах тупроғи азал-азал унумдор бўлган. Лекин унинг бойлигини, шуҳратини оширган бошқа бир сабаб ҳам бор. XVI асрда Жиззахдаги суғориладиган ерлардан кўпроқ фойдаланиш мақсадида Туятортар канали қазилиб, Зарафшон суви Сангзор дарёсига қуйилди. Энди Туятортар каналидан оқаётган шиддатли сув оқими ўз йўлидаги турли минералларни ювиб келиб Жиззах далаларига сочар эди. Юз-юз йиллар ўтиши натижасида тупроқ таркиби жуда бойиб борди.

— Бундай сув кўтарадиган ажойиб тупроқ жуда кам бўлса керак, — дейди Ҳамид Олимжон номли совхознинг тажрибали деҳқонларидан Номоз ака Содиқов. — Шундай ерлар борки, уч-тўрт марта кетма-кет суғорилса, у жой ботқоқликка айланиб қолади. Аммо, Жиззах тупроғини ўн марта суғорсангиз ҳам «пинагини бузмайди!»

— Меваларнинг ширинлигини айтинг-а! Мана шу тупроқда ўсган турли ўсимликларнинг гулларидан тўпланган бол таъмининг тотлиги, таркибининг бойлиги билан республикамиздагина эмас, балки Иттифоқимизда ҳам машҳур! — дейди «Янгиобод» асалчилик совхозининг директори М. Ҳамроқулов.

Минг афсуски, ана шундай ажойиб тупроқли ерларнинг кўп қисмини бой бериб қўйдик. Жуда катта экинзорлар пала-партиш равишда қурилиш майдонларига айлантирилди. Иқтисодий тафаккур қашшоқлиги бу борада ҳаммадан кўра бўртиброқ кўринди. Ахир, Жиззах даштида, Мирзачўлда бир гектар ерни ўзлаштириш учун минг-минг сўмлаб маблағ, ишчи-кучи, техника сарфлансаю тарих, табиат бизга инъом этган олтин тупроқнинг қадрига етмасак, оёқ ости қилсак, топтасак! Шуми бизнинг ишбилармонлигимиз? Шуми бизнинг халққа кўрсатаётган кароматимиз?!

Жиззах шаҳри билан Жиззах районининг бирлаштирилиши ўринли бўлди, деб ўйлайман. Бизда шундай догматик қараш муқимлашиб қолган: гўё, шаҳар фақат саноат, қурилиш, савдо билан шуғулланиши, қишлоқ хўжалигига мутлақо аҳамият бермаслиги, кўкаламзорлаштиришдан нарига ўтмаслиги керак. Деҳқончилик билан чорвачиликни қисман бўлса-да ривожлантиришга имкон бор жойларда ҳам бунга эътибор қилинмайди. Ёки районда саноат ривожига ўгай кўз билан қаралади. Бундай қотиб қолган фикр Жиззах мисолида йўққа чиқса, деб орзу қиламан. Шаҳар билан район хўжаликлари ўртасида сарсон бўлиб ётган суғориладиган ерлар, шаҳардаги лахтак-лахтак жойлар ўрнида боғлар, токзорлар барпо этилишига умид боғлайман, бу умидга оила пудрати, кооператив хўжаликлар ташкил топиши монанд келади, деб ўйлайман. Шундай қилинса, бекор ётган унумдор тупроқли ерларга яна қайтадан ҳаёт бахш этиб, арзир-арзимас бинолар қурилиши учун экин майдонлари поймол бўлмасди.

Бугун Жиззах шаҳри Сирдарё областининг маркази сифатида яна ўз ривожланиш йўлидан бориши, янги-янги бинолар қад кўтариши турган гап. Хўш, яна халқимизнинг иссиқ уйини «буз-буз шамоли» билан совутамизми? Қанчадан-қанча мева, сабзавот, полиз маҳсулотлари етказиб бериши мумкин бўлган энг унумдор тупроқли экин майдонлари яна қисқараверадими?

Мен Жиззахда янги-янги бинолар қад кўтаришига, шаҳарнинг обод бўлишига қарши эмасман. Аммо бир гектар экин майдони ўрнига ҳам бино қуришдан илгари ҳар томонлама, чуқур ўйлаб кўрилса, иложи борича қурилиш учун ерни экин экиб бўлмайдиган тоғ ён бағирларидан, тошлоқ ерлардан, қирлардан ўзлаштирилса! Бунга техникамиз қудрати етади! Иродамиз ҳам, ақл-заковатимиз ҳам! Фақат бир нарса тўсиқ бўлиши мумкин. Бу — бош план!

Жиззах шаҳрининг бош плани ўтган йилларда шошма-шошарлик билан, иқтисодий-илмий жиҳатдан чуқур ўрганилмасдан, энг муҳими — келажак авлод олдидаги бурч ҳисобга олинмай яратилгани яққол сезилиб турибди. Ошкоралик даврида догмага айланиб қолган ҳужжат йўқ! Шундай экан, Жиззах шаҳрининг бош плани меҳнаткашлар муҳокамасида қайта кўриб чиқилса қандай яхши бўлади!

Табиатнинг бебаҳо неъмати, ўтмиш авлодларимизнинг бизга етказган туганмас хазинаси бўлган Жиззах тупроғини фақат ўзимиз учунгина эмас, балки келажак учун ҳам асрайлик!

**Т. МАҚСУДОВ.**

*КПСС Марказий Комитетининг миллатлараро муносабатларга бағишланадиган пленуми олдидан*

# БИЗНИНГ УЙИМИЗ—СОВЕТ ИТТИФОҚИ!

**Бутун жаҳон, барча халқлар кулфатда қолганларга ёрдам бериш учун отланганини биринчи маротаба кўраётганимиз йўқ. Совет кишилари фожиали зилзилани бошидан кечирган арман биродарларига ҳамдард ва ҳамдам бўлаётган ҳозирги кунларда Волгоград кўчаларидан бирида рўй берган «ғалати воқеа» туфайли бепоён Ватанимизнинг турли бурчакларида яшовчи ҳар хил миллатга мансуб кишиларнинг буюк қардошлигини бот-бот эсга оламан.**

**Отаси — уруш ва меҳнат ветерани Салим ака, синглиси Роҳила ҳамда дадасининг дўсти билан биргаликда жанговар шон-шуҳрат жойларини зиёрат қилиб юрган Бухоро яқинидаги Янги турмуш қишлоғилик ўн тўққиз яшар Ҳабиба Саломова бегона шаҳарда қаттиқ дардга учради. Ўзини йўқотиб, эсанкираб қолган бухороликларга кутилмаганда рус аёли Кира Иосифовна Сутирина нажотга келди. У саёҳатчиларни уйига таклиф қилди, Ҳабибани касалхонага жойлаштирди, ундан ҳар куни хабар олиб турди. Бу ҳақда «Советская Россия» газетаси 1987 йил 2 майда ёзган эди.**

**Мазкур мақола қаҳрамонлари билан ўқувчилар «Қишлоқ ҳақиқати»нинг ўтган йил 27 май сонида учрашган эдилар. Очеркда уруш сўқмоқларини руслар ва украинлар, тожиклар ва қозоқлар билан бир сафда босиб ўтган собиқ жангчи Салим Саломов оиласи ҳақида ҳикоя қилинганди.**

**Волгоградда рўй берган воқеа кекса аскар қалбини ларзага солган, мухбир билан бўлган суҳбатда у қаҳрамон-шаҳарда кечирган ўша оғир кунларни қайта-қайта ёдга олган, Сутиринлар оиласи томонидан кўрсатилган эътибор ва ғамхўрликлар ҳақида сўзлаб берганди.**

**Очерк Салим Саломов оиласи Янги турмуш қишлоғига август ойида келишга ваъда берган волгоградлик меҳмонни кутиб олишга қандай ҳозирлик кўраётгани ҳақидаги жумлалар билан якунланган эди. Рус «онаси»нинг ташрифини бу аёлга қаттиқ боғланиб қолган, яқин орада ҳаёт ришталарининг узилишини хаёлига ҳам келтирмаётган Ҳабиба айниқса интиқлик билан кутарди.**

Ўша вақтда Кира Иосифовна билан учрашишни дилимга тугиб қўйгандим. Редакцияда ишлаб ўтириб дафъатан хаёлимга Волгоградга командировкага бориб келиш фикри туғилди. У ерда йўл-йўлакай дугонасиникига кириб ўтишни илтимос қилган «Правда Востока» газетасидаги ҳамкасб дўстим билан режаларимни ўртоқлашдим. «Сенга ўгай отасининг Хоразм Республикасининг биринчи Меҳнат орденини Халқлар дўстлиги музейимизга тақдим этган аёлнинг адресини бераман. Бир вақтлар ана шу аёл ва унинг онаси ҳақида ёзган эдим. Ўшандан буён хабарлашиб, ёзишиб турамиз».

У дугонасининг исми-шарифини айтмади, мен ҳам жўнаб кетаётганимда сўраб оларман, деган ўй билан қизиқмадим. Аммо сафарим баъзи сабабларга кўра амалга ошмай қолди, юқоридаги суҳбат ҳам бора-бора хотирамдан кўтарилди.

Буни қарангки, шу йил октябрида ўша ҳамкасбим қўнғироқ қилиб қолди.

— Волгоградлик рус ва Янги турмуш қишлоғилик ўзбек оилаларининг иноқлашиб кетгани ҳақида сизлардан ким ёзганини билмайсанми? — деб сўради у.

Буни мен ёзганлигимни айтдим.

— Унда хонамга туш, бу ерда бир аёл сени кўрмоқчи бўлиб ўтирибди.

Шуниси қизиқ эдики, волгоградлик танишимиз ҳақида гапирганимизда мен ҳам, ҳамкасбим ҳам битта аёлни — Кира Иосифовна Сутиринани назарда тутганимизни хаёлимизга ҳам келтирмагандик.

Редакцияда бўлиб ўтган учрашув жуда ҳазин кечди. Кира Иосифовна бухоролик дўстлари бошига тушган қайғу — тутинган қизи Ҳабибанинг ўлимидан сира ўзига келолмасди.

Волгоградда апрель тонгида бошланган воқеанинг давоми фожиали эди. Яхшиси, сўзни тақдири ўзбек халқи билан боғланиб кетган катта қалб соҳиби Кира Иосифовнадан эшита қолайлик:

— Ҳабибанинг дарди оғир эканлигини қизни «Тез ёрдам» машинасида касалхонага жўнатган вақтимиздаёқ эшитган эдим. Аммо бунга сира-сира ишонгим келмасди. Биринчи даволаш курсидан кейин шифохонадан бутунлай тузалиб чиққанига ишонган, ранги тиниқлашган ва кайфияти чоғ Ҳабибани кўрганимда қувончим ундан жудо бўлиб қолиш ҳақидаги қўрқинчли ўйлар билан қоришиб кетди. Ўша вақтга келиб Ҳабиба мен учун нафақат ёрдамимга муҳтож қиз, шунчаки таниш эмас, балки туғишганимдек бўлиб қолганди. Вокзалда хайрлашиш дақиқаларида у: «Онажон, сиз менинг рус волидамсиз!» — деб бўйнимдан қучоқлаб олганида ўзимни тутолмай ҳўнграб йиғлаб юборганимни билмай қолгандим. Бу Ҳабибанинг ўзи билмаган, менга эса аён бўлган машъум ҳақиқатдан бўлса керак. У шифохонада ётган вақтда мен барча урологларга, волгоградлик жами профессорларга учрашиб кўрдим. Аммо улардан ҳеч бири умидлантирувчи бирор сўз айтмади. Буйрак фаолиятидаги сурункали етишмовчиликнинг бундай ўтказиб юборилган шаклига қарши курашга медицинамиз ожиз эди.

Қадрдон бўлиб қолган одамлар жўнаб кетишди. Шундан кейин ўқувчи дафтари варақларига битилган мактублар олиб турдим. Ҳабиба хуш ёқадиган қилиб ёзар, меҳмонга чорларди. «Бухорода энг тотли ой — август», деб таъкидларди нуқул. Мен шу ойда боришга қарор қилдим. Қизгинамни нима билан қувонтирсам экан, деб узоқ ўйладим. Японияга учадиган таниш стюардессадан чиройли рўмол олиб келишни илтимос қилдим, пахта шакли туширилган билакузук сотиб олдим. Аммо поезд Когон станциясига келиб тўхтаганида кутиб олувчилар орасида Ҳабибани кўрмадим.

Салим ака унинг касалхонада эканлигини айтди. Шу куниёқ кўргани бордик, совғаларимни ҳам олволгандим, лекин Ҳабиба на уларни, на мени, на атрофдагиларни кўрарди. Бу фожиали дақиқалар ҳақида гапириш менга жуда оғир. Ҳаммасидан ҳам беморнинг ғайритабиий сезгирлиги ҳайратга соларди. Жони узилгунча у мени зериктириб қўймасликка ҳаракат қилди.

— Ҳозир бизда тўйлар кўп, ҳаммаёқда хурсандчилик, — дерди у отасига. — Сиз рус онамни уйда олиб ўтирмай, тўйларимизни кўрсатинг, ахир Волгоградда тўйлар бундай ўтказилмайди-ку.

Албатта, тўй кўнглимга сиғмасди. Бироқ ҳаётдан кўз юмаётган қиз хоҳишига қараб иккита тўйга бордим, турмуш қураётган ёшлар билан, уларнинг ота-оналари, қариндошлари, меҳмонлар билан танишдим. Оққўнгил, меҳмоннавоз, бағри кенг ўзбек халқи қалбимга янада яқинроқ бўлиб кетди.

Ҳабиба вафот этганида оила аъзолари маъракасига қолишимни илтимос қилишди. Қизгинамнинг ўлимидан кейин ҳувиллаб ётган уйда туриш мен учун қанчалик оғир бўлмасин, мажбур эдим. Авваллари расм-русумларга қандайдир шубҳа билан қарардим. Энди эса бундай маросимлар бекорга ўйлаб топилмаган, балки энг яқин, энг азиз кишисидан жудо бўлганларнинг дард-аламларини бироз бўлса-да енгиллатишга қаратилганлигини ҳис этдим...

Улар Ҳабиба орзу қилганидек суратга тушишга улгуришмади. Агар шундай сурат бор, деб фараз қилсак, унга кўзи тушган ҳар қандай одам ҳам албатта: «Бир-бирларига ўхшашаркан», — деб айтган бўларди. Ҳа, худди шундай. Ахир, фақат туғишганларгина эмас, балки севимли фарзанд ва уларнинг тутинган ота-оналари ҳам бир-бирларига ўхшаб кетишади-ку. Бу ерда гап маънавий яқинликнинг қондошликдан устунлиги ҳақида боряпти.

Кира Иосифовна олис Ўзбекистон аҳли билан қалбан яқинликни қизалоқлигидаёқ, ўгай отаси Леонид Александрович Афанасьевнинг оловли йигирманчи йилларда босмачиларга қарши елкама-елка туриб жанг қилган Хоразм кишилари ҳақидаги туганмас ҳикояларини тинглаган вақтларида туйганди.

Москва авиация курсини тамомлаган ёшгина қизил учувчи— Л. Афанасьев кўпсонли жанговар мукофотлари ичида йирик босмачи тўдасини ҳаводан туриб ўққа тутишда кўрсатган жасорати учун берилган Хоразм Республикасининг Меҳнат орденини алоҳида эҳтиром билан қўлга оларди. Чунки Хоразм Республикасида бундай орденлар ҳаммаси бўлиб саккиз дона зарб этилган ва улардан энг биринчиси билан жаҳон пролетариатининг доҳийси тақдирланган эди.

Кейинчалик — бир неча йиллар ўтгач — Кира Иосифовна Сутиринанинг онаси Зинаида Филипповна марҳум эрининг мукофотини Тошкентдаги Халқлар дўстлиги музейига тақдим этгач, бу оиланинг Ўзбекистон билан анъанавий алоқалари янада мустаҳкамланди.

Олдимда болалар дастхати билан ёзилган мактублар, открыткалар турибди. Улар Хивадаги Пушкин номли мактабнинг «Аврора» тарих клуби аъзолари томонидан битилган бўлиб, Зинаида Филипповна номига йўлланган. Алишер Абдуллаев, Надя Циганкова ва бошқа ўқувчилар Зина бувиларига жўнатган хатларида ўз ишлари, ўқишлари, клуб фаолияти ҳақида ҳикоя қилишган.

Зинаида Филипповна ҳам тез-тез ёзиб туради. Унинг ёзишмаларида Леонид Александрович ҳақидаги хотиралар, ўзининг Керчь десантидаги иштироки ва синчков болалар ҳамда қизлар жуда қизиқиб ўқийдиган бошқа кўп воқеалар тўғрисида гап боради.

— 1988 йил феврали охирида, — деб эслайди Кира Иосифовна, — яна дўстларимникида бўлдим. Ҳабибанинг акаси Луқмон Галаосиёдаги 17-автобазада ишловчи оғайниларини таништирди. Улар билан суҳбатлашиб турганимда ҳайдовчилардан бири сўраб қолди: «Сиз Волгограддanмисиз? У ердаги Мамаев қўрғонида менинг акам ҳалок бўлган». Шунда мен Мамаев қўрғонининг қутлуғ тупроғидан олиб келишга ваъда бердим. Бу илтимосни бажо келтирдим, тупроқни топшириш автобаза коллективи учун тантанали маросимга айланиб кетганини эшитиш мароқли бўлди. Буни менга Луқмон уйимга қўнғироқ қилиб гапириб берди.

Икки йил муқаддам суҳбатлашганимда Салим Саломов кекса жангчи Кира Иосифовна билан бўлган биринчи учрашувни қайта-қайта эслар экан, ҳайратга соладиган кичкина бир тафсилот мағзини чақишга уринарди:

— Биласизми, у бизни кўриб, оғриқдан ҳушидан кетган Ҳабиба устига энгашаркан, ўша заҳотиёқ: «Яқин орада тураман, қизни меникига олиб боринглар», — деди. Ҳабибани кўтариб олиб бориб унинг каравотига ётқиздик. Кира Иосифовна «Тез ёрдам» чақирди ва фақат шундан кейингина ниманидир эслаб қолиб сўради:

— Қаердан бўласизлар?

Нима сабабдан бу кичкина тафсилотни кўп ўйлайман. Чунки бу ҳолат совет кишиси характерини ҳамма нарсадан ҳам аниқ белгилаб беради. Мен бу ерда кўмагига муҳтож бўлиб қолган одамнинг қаердан, қайси миллатга мансуб эканлиги сира қизиқтирмайдиган ҳақиқий инсонларни назарда тутаяпман. Энг муҳими— у ҳам худди сен каби Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи деб аталадиган кўпмиллатли бепоён Ватанимиз гражданидир.

**Елена ТРАВАС.**



Юзларидан табассум ёғилиб турган бу аёл — Бўстонлиқ районидаги Фрунзе номли колхоз сигирсоғари Анор Дуйсеқулова. У қарамоғидаги 18 бош соғин сигирни меҳр билан парваришлаб, хўжалик сут булоғига барака киритаяпти. Илғор чорвадор йил бошида берган мажбуриятини бугун-эрта бажаришга чоғланган.

В. ПОРТНОВ фотоси.

## ОНА-ВАТАН БЎЙЛАБ

ПЕТРОПАВЛОВСК-КАМЧАТСКИЙ. «Камчаткарибпром» бирлашмасида ишлаб чиқариш ёш ташкилотчиларининг Камчаткада биринчи конкурси бўлди. Кенгашлар ўтказиш муддатларини қандай келишиб олиш керак, зарур мутахассисларни корхонада қандай қилиб олиб қолиш мумкин — конкурсда қатнашган ёш иқтисодчилар ва инженерлар, механиклар ва технологлар ана шу ва бошқа кўпгина, баъзан эса сира кутилмаган вазифаларни ҳал этишларига тўғри келди. Конкурснинг 25 ғолиби ҳозир бошқаришнинг беш кунлик мактабида ўқимоқда, сўнгра улар лавозимларни ошиши учун реал имкониятга эга бўладилар.

●

МИНСК. «Ветроэн» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг Белоруссиядаги филиали мутахассислари билан қишлоқ хўжалик метеорологияси Обнинск институти олимлари яратган қурилма бутун бир агрохимия лабораторияси ишини бемалол бажара олади. Фотометрларнинг дастлабки туркуми Обнинск қишлоқ хўжалик ходимларига жўнатилди. Янги қурилма ёруғлик энергиясининг спектрига қараб бир неча дақиқа ичида экинларнинг етилиши, тупроқнинг ҳолати тўғрисида ахборот беради, ҳосил чўғини чамалайди. Прибор агрономларнинг ёрдамчиси бўлиб қолади.

●

ОРЕНБУРГ. «Радиатор» ишлаб чиқариш бирлашмасида ҳамон қимматли рангли металлардан фойдаланишга мажбур бўлинаётган жойларда пластмасса тобора кўпроқ жорий этилмоқда. Конструкторлик-технология бюросининг мутахассислари латунь ўрнига пластик ишлатиладиган иситгичнинг янги технологиясини ишлаб чиқдилар. Бу эса қўрғошин билан бажариладиган иш ҳажмини кескин даражада камайтирди, натижада зарарли операцияда банд бўлган кишиларни бошқа ишга ўтказиш имкони туғилди, ишлаб чиқариш маданияти ошди, экологик муҳит яхшиланди. Энг муҳими — камчил қотишмани анча тежашга эришилди. Бирлашмага кирган Киров номли Бузулук заводи шу кунларда махсус конструкторлик-технология бюроси ишланмаларини синаш учун экспериментал лаборатория бўлиб қолди. Корхона конструкторлари П. Артемьев ва Е. Леонтьев зарур бўлган барча жиҳозлар ва мосламаларни тайёрлаб берди. Янги технология ҳисобига йил охиригача салкам 50 минг сўм пул олиш кўзда тутилмоқда.

●

ДНЕПРОПЕТРОВСК. Царичан райони аҳолиси етиштираётган гўшт, ёғ, сут маҳсулотлари, уйда тузланган маҳсулотлар «В. И. Ленин номли Днепр машинасозлик заводи» бирлашмасининг меҳнатчиларига бевосита етказиб берилмоқда. Бунинг учун корхона депутатлар группаси шароит яратиб берди. Депутатлар завод ишчиларини озиқ-овқат билан таъминлашни яхшилаш ташвишларини ўз зиммаларига олдилар. Улар оталиқдаги район ижроия комитетида бўлиб, қишлоқ меҳнатчилари ўз маҳсулотларини завод дарвозаси олдига етказиб беришлари тўғрисида аҳдлашиб олдилар. Завод дарвозаси олдида эса бир неча растадан иборат бозор қурилган. Белгиланган кунларда завод автобуслари қишлоқларга жўнайди ва товар эгаларини текинга олиб келади. Бунинг эвазига қишлоқ меҳнатчилари маҳсулотларни бозор нархидан анча арзон сотмоқдалар.

(ТАСС).

## АГРОСАНОАТ ЯНГИЛИКЛАРИ

### ШАРТНОМА АСОСИДА

**«Дўстлик» ремонт-қурилиш кооперативидан «Узгипросельстрой» институти Гулистон филиали кассасига олти минг сўм пул тушди. Бу якка тартибдаги турар-жой биноларини қуриш учун лойиҳа-смета ҳужжатларини оператив тарзда бажарганлик учун тўланган ҳақдир. Бунинг кетидан яна бир қанча пул жўнатмалари келди. Лойиҳачиларнинг тўла хўжалик ҳисобига ва ўзини ўзи пул билан таъминлашга ўтганлиги натижаси ана шундай бўлди. Шу туфайли бевосита шартномалар тузиш ҳам амал қиладиган бўлди.**

**Бу буюртмачилар учун ҳам қулай, чунки улар энди лойиҳа ишлари лимитлари билан чеклаб қўйилмаган. Бу филиал учун ҳам фойдалидир. Унинг кассаси тез бойиб бормоқда. Рентабеллик ҳам ўсмоқда.**

**Хўжаликларда ҳамкорликнинг янги шакли фойдали эканини дарҳол ҳис қилдилар. Бундай фойда буюртмаларнинг тез ва сифатли бажарилишини таъминлайди. Яқин районларнинг совхозлари билан бир қанча шартномалар тузилди.**

### «ТОШКЕНТ» НОНИ

**«Тошкент — нон шаҳри» деган машҳур ибора яқин-яқингача ҳақиқатга унча мос келмас эди. Бу ернинг фақат ўзига хос нони йўқ эди. Бу етишмовчиликни Ўзбекистон ССР Дон маҳсулотлари министрлигининг технологлари тўлдирдилар. Уларнинг рецептига биноан республика пойтахтида «Тошкент» батони ва «Ўзбекистон» нони ёпила бошланди.**

**Бундай номлар қўйилиши бежиз эмас — янги маҳсулотларнинг рецептларида айни шу ерлик новвойлар азалдан фойдаланиб келган масаллиқ қўшилган. Бу масаллиқ нонни жуда тотли ва хушбўй қилади. Батонлар таркибига эса қовоқ шарбати ҳам қўшилади. Бу эса новвойларнинг янги маҳсулотини ҳатто «Парҳез» магазинларида ҳам сотиш имконини беради. Ноннинг янги хилларини ишлаб чиқиш — республика нон заводлари ишини яхшилашга қаратилган кенг миқёсли программанинг бир қисми холос. Бу программа корхоналарни етакчи чет эл фирмалари ёрдами билан ҳам техника билан қайтадан жиҳозлашни кўзда тутади. Айни бир вақтда кичик новвойхоналар тармоғи ривожлантирилади. Бундай новвойхоналарда унча катта бўлмаган ижарачи коллективлар янги ёпилган нон билан савдо қиладилар.**

### ЯРМАРКА ГАВЖУМ БЎЛАДИ

**Тошкентдаги «Престиж» кооперативининг архитекторлари яратган лойиҳа асосида Сирдарё шаҳри чеккасида катта ярмарка комплекси қурилиши авж олдириб юборилди. Шарқ услубида лойиҳалаштирилган 30 та ўзига хос савдо павильони унинг таркибига киради.**

**Сирдарё — Мирзачўлнинг шимолий дарвозасидир. Шунинг учун ҳам янги комплекс шаҳарнинг қиёфасини акс эттириши керак. Бу ерда район матлубот жамиятининг ходимлари меҳмонларни Мирзачўл ноз-неъматлари билан кутиб оладилар.** (ЎзТАГ).

*МАКТУБ ЙЎЛГА ЧОРЛАДИ*

# АЙБ ТОШДАМИ ЁКИ МОШДА?

Коммунист Баҳриддин Саъдуллаев йил бошида, аниқроғи январь ойида қисқартириш баҳонасида автовокзал диспетчерлиги вазифасидан бўшатилди. Фақат сентябрь ойида, яъни қарийб саккиз ойдан сўнг бошқа бир ташкилотга — Каттақўрғон район матлубот жамиятининг ёрдамчи хўжалигига вақтинчалик ишга жойлашди. Унинг саргардонлиги нега шунчалик узоқ чўзилди? Яхшиси, Саъдуллаевнинг ўзидан эшитайлик.

> **«Мен 1984 йилда Каттақўрғон автовокзалида билет текширувчи бўлиб ишлай бошладим. 1986 йилда диспетчерликка тайинладилар. Бу ерда ҳам камчиликсиз ишлаб келаётгандим. Иброҳимов автостанцияга бошлиқ бўлгандан сўнг шароит ўзгарди. У ишимдан майда камчиликлар қидира бошлади... 1987 йилда малака ошириш учун мени Тошкентга, автомобиль йўллари институтига юборишди. Ўқишдан келганимдан сўнг ўн кун ўтмасданоқ қисқартириш баҳонасида ишдан бўшатишди».**

Англашилаяптики, Саъдуллаевнинг фикрича, уни ишдан бўшатиш ва кейинги бир неча ойлар давомидаги саргардонликнинг бош сабабчиси Исмоил Иброҳимов. Бунга бошлиқ нима дейди?

— Биз буйруқни бажарганмиз, — сиртига сув юқтирмасликка интилди Иброҳимов. — Область автомобиль трестидан кўрсатма келган.

Ўша ҳужжат билан танишамиз. Область пассажирлар ташиш автомобиль трестининг шу йил 6 январдаги 4-сон буйруғида янгича тартибда ҳақ тўлашга ўтилиши муносабати билан штатлар қисқартирилиши зарурлиги умумий тарзда таъкидланган. Лекин айнан Саъдуллаев ишдан кетсин, дейилмаган-ку.

Энди Иброҳимов касаба союз комитетини қалқон қилди:

— Биз касаба союз комитетига таклиф киритганмиз. Қолгани комитет аъзоларининг иши.

Мана, маъмурият киритган ўша «таклиф»:

> **«Автовокзал касаба союз комитети раиси ўртоқ Н. К. Соибовага.**
>
> **Хўжалик ҳисобидаги Каттақўрғон автовокзали маъмурияти УзССР автомобиль транспорти министрлигининг 21. 12. 87 йил 1-сон ҳамда Самарқанд область пассажирлар ташиш автомобиль трестининг 6. 1. 88 йил 4-сон буйруқларига асосан лавозимлар қисқариши муносабати билан қуйидагиларни касаба союз комитети йиғилиши муҳокамасига киритишни ва ишдан бўшатишга розилик беришни сўрайди:**
>
> **1. Саъдуллаев Б.**
> **2. Муҳаммадиева М.**
> **3. Нурматова Ҳ.**
>
> **Автовокзал бошлиғи**
>
> **ИБРОҲИМОВ И.»**

Ҳужжат, назаримизда, «таклиф»дан «буйруқ»ни кўпроқ эслатади. Рўйхатнинг бошида эса Саъдуллаев. Пенсияга узатилган фаррош Ҳадича Нурматова ҳам кейинчалик ишдан четлашганидан нолиб редакцияга шикоят ёзди. Фикримизча, маъмурият таклифида ишдан бўшатиладиганларнинг фамилияси аниқ кўрсатилиб, касаба союз комитетидагиларнинг имконияти чеклаб қўйилмаяптими?

— Бу масалани ёлғиз суд ҳал қилади, — мулоҳазаларимиздан Иброҳимовнинг жаҳли чиқди. — «Ноҳақсиз» дейишга суддан бошқа ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Дарҳақиқат, ишга тиклаш ва мажбурий бекор юрган кунлари учун иш ҳақи ундириб бериш билан боғлиқ бу жанжални шу йил 4 февралда Каттақўрғон шаҳар халқ суди кўриб чиқиб, Саъдуллаевнинг автовокзал маъмуриятига даъвосини оқибатсиз қолдирган. У шаҳар судининг қароридан норози бўлиб, Самарқанд область судига кассация тартибида шикоят қилган. Область судининг коллегияси шу йил 16 март куни мазкур шикоятномани кўриб чиқиб, Каттақўрғон шаҳар судининг қарорини ўзгартишсиз қолдирган.

Автовокзал бошлиғи ана шунга суяниб, суд қарорини пеш қилмаяптими? Бинобарин, адолат посбонлари бўлмиш судлов органлари ходимлари бу ўринда етарли билимдонлик ва принципиаллик кўрсатдиларми? Тегишли ҳужжатларни синчиклаб ўрганиш ҳамда коллектив аъзолари билан суҳбатлардан равшан бўлдики, Саъдуллаевнинг ишдан ноҳақ бўшатилганлигига доир даъвосини кўриб чиқишда Каттақўрғон шаҳар суди ҳам, Самарқанд область судининг коллегияси ҳам масалага юзаки, бир томонлама ёндашганлар.

Далилларга мурожаат этайлик. «Қисқартиришга мен эмас, балки Каримов тушган. Каримовни ўрнимга ўтказиб, мени ишдан бўшатганлари адолатданми?» дейилади жумладан Саъдуллаевнинг шикоятномасида. Дарҳақиқат, корхонада хўжалик ҳисобини жорий этиш юзасидан ишлаб чиқилган тадбирларда қайд қилинишича, аслида штат қисқартиришга Саъдуллаевнинг диспетчерлик вазифаси эмас, балки «юк ташиш бўлими бошлиғи» лавозими тушган эди-ку. Шундай экан, гапни айлантирмасдан нега юк ташиш бўлими бошлиғи лавозимини эгаллаган Турсунмурод Каримов билан хайрлашиб қўя қолинмади? Чамаси, ана шунда қонуний ва адолатли иш тутилган, ҳеч қандай эътирозга ўрин қолмаган бўларди-ку.

Одатда касаба союз комитети ва шу сингари органлар мажлисларида раис ва секретарь сайланади. Мазкур ўринда эса йиғилишга секретарь сайланмаган. Протоколни касаба союз комитети раиси Соибованинг ёлғиз ўзи имзолаган. Кимлар овоз бергани — комитет аъзоларими ёки йиғилиш қатнашчиларининг барчасими — номаълум. Умуман ана шу йиғилишнинг ўтган-ўтмаганлиги шубҳа туғдиради. Демак, амалдаги қонун-қоидага мутлақо риоя қилинмаган. Бундай протоколни юридик ҳужжат санаш ва унга асосланиб жиддий хулосалар чиқариш мумкинми? Афсуски, бундай нуқсонлар ва аризачининг асосли эътирози тегишли судлов органлари эътиборидан четда қолган.

> **«Бўриев Комил ва Сафоев Шерали спиртли ичимлик ичиб, ҳушёрхонага тушганлиги учун илгариги бошлиқ ишдан озод қилганди. Янги бошлиқ Иброҳимов уларни ишга қайта олди. Шунча қоидабузарлар қолиб, мени ишдан бўшатишгани тўғрими?»** (Саъдуллаевнинг редакцияга шикоятидан).

Ушбу далил Саъдуллаевнинг ҳар бир шикоятида қайд этилди. Лекин на шаҳар партия комитети, на судлов органлари, на бошқа ташкилотлар бунга эътибор беришни лозим топишмади. Эҳтимол, хат муаллифининг бу фикрларида ҳам жон бордир? Хўш, Сафоев ва Бўриев ким? Улар қандай «хизматлари» учун янги бошлиқнинг илтифотига сазовор бўлишди? Яхшиси, ҳужжатларга мурожаат этайлик. Сафоевнинг ишга қабул қилишларини сўраб ёзган, автовокзал бошлиғи Иброҳимов тасдиқлаб имзо чеккан аризасини айнан келтирамиз.

> **«Каттақўрғон шаҳар автовокзалининг бошлиғи ўртоқ Иброҳимовга, Сафоев томонидан ариза.**
>
> **Мен, Сафоев Шерали, олдин шу корхонада ишлаган пайтимда милиция ходимлари билан тезлашиб қолгандим. Мен ҳушёрхонага тушганим учун 11 апрель 1987 йил кассирлик лавозимидан бўшатилгандим. Қарамоғимда опам, хотиним, 2 болам борлигини инобатга олишларингизни илтимос қиламан. Мен томондан ҳеч қачон ичимлик ичилмайди. Сизлардан илтимос, синов муддати билан мени яна «Пайшанба» кассасига олишингизни сўрайман.**
>
> **САФОЕВ. Имзо, 10. XI 1987 йил».**
>
> **Бошлиқ номига ички ишлар органидан келган хатда ҳам Сафоевнинг «антиқа» ишлари ҳақида сўз боради.**
>
> **«Хўжалик ҳисобидаги Каттақўрғон автовокзалида ишловчи Сафоев Шерали 1987 йил 31 июлда ойлигидан 20 процентни давлат фойдасига ундириш йўли билан 24 ой муддатга аҳлоқ тузатиш ишига ҳукм қилинган, — дейилади мазкур ҳужжатда. — Ҳукмнинг нусхасини юборар эканмиз, уни ишчи ва хизматчилар эътиборига етказишни, шунингдек маҳкумнинг хатти-ҳаракати устидан назорат ўрнатиб, у билан сиёсий-тарбиявий иш олиб боришингизни сўраймиз...»**

Маъмуриятда кассир Камол Бўриевнинг ичкиликбозлигини тасдиқловчи ҳужжатлар ҳам мавжуд. Салбий сабабларга кўра бўшатилган бу иккала ходимни 1987 йил июль ва ноябрь ойларида Иброҳимов қайта ишга олган. Ҳолбуки, бултур автобуслардан бири пассажирларга тўла билет сотилмасдан жўнатиб юборилгани учун бир неча ходим қатори Саъдуллаев ҳам маъмурий жазо (қаттиқ ҳайфсан) олганлигини автовокзалда бот-бот такрорлашди. Ҳарқалай, шикоятномада таъкидланганидек, олти йилдан буён КПСС аъзоси, корхонада 1984 йилдан бери меҳнат қилаётган Саъдуллаевни четлатиб, аввалига ҳайдалган Сафоев, Бўриевларнинг боши силанганини қандай тушуниш мумкин?

Эътироф этиш керак, Саъдуллаев ёрдам сўраб мурожаат қилган анча-мунча идоралардан атиги биттасида унга нисбатан хайрихоҳлик учқуни милтиллади.

— Саъдуллаев область автомобиль трестига ҳам шикоят ёзди, — бу қадамни ўзича изоҳлайди Иброҳимов. — Бошлиғимиз мени чақириб, Саъдуллаевни иш билан таъминланг, деди.

Афсуски, ўз вақтида берилган тўғри маслаҳат ҳам Иброҳимовнинг қайсарлигига дуч келди. Умуман унинг бу можарода тутган усули болаларнинг бекинмачоқ ўйинини эслатади. Масалан, юқорида аслида қисқартиришга Каримов эгаллаган юк ташиш бўлими бошлиғи лавозими тушганини айтиб ўтдик. Автовокзал раҳбарлари эса бу ўринда устамонлик қилиб, «турдош» деган гапни ўйлаб топишди. Эмишки, юк ташиш бўлими бошлиғи лавозими билан диспетчерлик вазифаси табиатига кўра бир-бирига яқинмиш. Иш стажига, мутахассислигига кўра Саъдуллаевга нисбатан Каримовнинг имконияти баландмиш ва ҳоказо. Салбий сабабларга кўра ҳайдалиб қайта ишга олинганлар ҳақида сўз очсангиз, яна жавоб тайёр: Сафоев, Бўриев ва уларга ўхшаганларнинг ўрни қисқаришга тушмаганмиш. Хуллас, у деди, бу деди, аслида қисқаришга тушган Каримов четда қолиб, бошлиққа ёқмайдиган Саъдуллаевнинг ковуши тўғриланди.

Корхона маъмурияти ҳам, судлов органлари ходимлари ҳам Саъдуллаев мазкур соҳа мутахассиси эмаслигини рўкач қилишди. Тўғри, Саъдуллаев автотранспортчи эмас, лекин корхонада бунақалар камми? Масалан, Саъдуллаевнинг масаласини кўрган ўша касаба союз комитети аъзоларининг ўзларини олиб қараганимизда диспетчер Рисқи Ҳамроқулов — инженер-электрик, катта кассир Светлана Путовалова — товаршунос, кассир Рустам Эшонов — ўрта мактабни битирган, холос. Демак, беш кишилик касаба союз комитети аъзоларидан учови бошқа соҳа мутахассиси ёки умуман мутахассисликка эга эмас. Ана шундай бир вазиятда техникумни битирган Саъдуллаевга бошқа соҳа мутахассиси, деб таъна қилишимиз ўринлими? Турли важ-карсон излагунча масалани коллективда ошкора тарзда кенг муҳокама этиб, кўпчиликнинг фикри ҳисобга олинган ҳолда одилона ҳал этилганида, ўйлаймизки, бунақа норозилик туғилмасди.

Корхонада тартиб-интизом бўшашиб кетган. Ҳаммаёқ ифлос, скамейка ва креслолар кир-чир. Болали оналар хонаси эшигида каттакон қулф осиғлиқ. Ана шу хонага мутасадди ходим штати ҳам қисқартирилган. Калит топиб, эшикни очишганида мўъжаз мебель ва бошқа жиҳозларни қалин чанг қоплаганини кўрдик.

Молия интизоми қўпол равишда бузилмоқда. Жумладан, область халқ контроли комитети, молия бошқармаси, автомобиль инспекцияси ва область радиоси билан ҳамкорликда рейд ўтказилиб турли йўналишлар бўйича йўлга чиққан 4 та автобус текширилганида, уларнинг ҳаммасида билетсиз йўловчилар учради. Дастлаб тўхтатилган «Каттақўрғон—Пайшанба» маршрутидаги 83—59 СНС номерли (ҳайдовчиси Искандар Эшмуродов) автобусда 18 нафар билетсиз йўловчи санадик. Автовокзал ходимлари рейдни сезиб ҳушёр тортган бўлишса-да, кейинчалик ҳам бу ҳол барҳам топмади.

— Одамлар автобусда билетсиз юришга ўрганишган, — дейди йўловчилардан бири Раҳим Маматов. — Бу автовокзалда ҳеч ким билет ол, демайди. Пулини шофёрга ташлаб тушиб кетаверамиз.

— Автовокзалдан чиқиб бирор жойда тўхтаганим йўқ, — тушунтирди салонда 5 нафар билетсиз йўловчини элтаётган «Каттақўрғон—Митан» маршрутида қатновчи 32—88 СНМ номерли автобус ҳайдовчиси Ҳаким Жумаев. — Билетсиз йўловчилар чиқишига автовокзал ходимлари айбдор. Чунки назорат мутлақо йўқ.

Биз мазкур шикоят юзасидан область судида ҳам бўлдик, масалани ўрганиш жараёнида юзага келган, юқорида таъкидланган эътирозларимизни билдирдик.

— Эътирозларингиз ўринли, — баъзи мулоҳазаларимизга қўшилди область суди аъзоси Г. Вердиян. У мазкур гражданлик иши кассация тартибида область суди коллегиясида кўрилганида докладчи бўлган. — Иш ҳозирча фақат коллегияда кўрилди, мурожаат этилса, область судининг президиуми ҳам кўриб чиқади.

Ўйлаймизки, Самарқанд область судининг президиуми мазкур гражданлик ишини кўришда аввал йўл қўйилган камчиликларга эътибор беради, можарони принципиал, адолатли ҳал қилади.

Бошқа бир жиҳатни олиб қарайлик. Коммунист тақдири наҳотки партия органларини қизиқтирмаса? Афсуски, шундай бўлди. Автовокзал маъмурияти, бошланғич партия ташкилотини қўя турайлик, ҳатто Каттақўрғон шаҳар партия комитетининг айрим масъул ходимлари ҳам коммунистнинг дард-ташвишларига лоқайд қарадилар. Ахир Саъдуллаев ишдан бўшатилгач ана шу ташкилотга ёрдам сўраб мурожаат этган эди-ку!

Шикоятни текширган саноат ва транспорт бўлимининг инструктори Ёқуб Салимов масалани атрофлича, чуқур ўрганиш ўрнига автовокзал бошлиғи Иброҳимовнинг фикрини тинглаш билан чекланди. Шикоятни текширишда Салимов бизга ҳам ҳамроҳлик қилди. Рости, унинг ўзини тутишидан ажабландик. Бинобарин, бу масъул ходим масала моҳиятини очишда бизга кўмаклашиш ўрнига автовокзал бошлиғининг жарчисига айланди-қолди. Яъни, Иброҳимов нима деса шуни маъқуллашдан нарига ўтмади.

— Сиз ўзи нимани текширгансиз? — сўрадик масала бир томонлама, енгил-елпи ҳал этилганига ишонганимиздан сўнг.

— Қўлимиздаги ҳужжатларга қараганмиз, — деди у.

Ваҳоланки, инструктор Салимовнинг қўлида Саъдуллаевнинг аризасига Иброҳимовнинг мазкур тортишув хусусида ўзини оқлаб тайёрлаган справкасидан бошқа ҳужжат йўқ эди. Ёқуб Салимов мазкур справкадан Иброҳимовнинг тош босадиган далилларини терди-да, бошқа ҳужжат тайёрлади ва бу ҳақда бошлиқларга ахборот бериш билан масалага нуқта қўйди. Устига устак, гўё масхара қилгандай август ойида сектор мудири З. Галимова имзоси билан партия учётидан чиқиш талаб этилиб Саъдуллаевнинг уйига хат келди. Ахир иш ахтариб, сарсон-саргардон юрган коммунист партия учётини кўчириб қаергаям юбориши мумкин?

Автовокзал эшиги коммунист Саъдуллаев учун тақа-тақ ёпиқ. Гарчи у қарийб саккиз ойдан сўнг бошқа жойдан иш топган бўлса-да, саргардонлик давом этмоқда. Унинг қарийб саккиз ойлик иш стажи, шу муддатдаги иш ҳақи нима бўлади? У чеккан руҳий изтироблар ўрнини қоплашнинг иложи бормикан? Бинобарин, автовокзалда юқорида қайд этилган тартибсизликларга қачон чек қўйилади?

Каттақўрғон шаҳар партия комитети, область пассажирлар ташиш автомобиль тresti раҳбарлари бу масалани атрофлича ўрганиб, унга принципиал баҳо берадилар, деб ўйлаймиз.

**М. ЭРАЛИЕВ,**
**«Қишлоқ ҳақиқати» мухбири.**

